

Ёшлар истиқболига қанот бўлаётган банк кредитлари

(7-бетда ўқинг).



Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар:
2015 йил I чораги якунлари.....9

Аудит натижалари:
«Alfa» микрокредит ташкилоти.....10

БАНК АХБОРОТИНОМАНИ

Банк ходимлари, ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 22 (993), 2015 йил 21 май

www.banknews.uz

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

Тошкент шаҳрида 2015 йил 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси очилди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг таклиф этилган аъзолари, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, бошқа ташкилотларнинг, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев олиб борди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг биринчи кунда сенаторлар томонидан 10 та масала кўриб чиқилди. Уларнинг 7 таси социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислохотларни янада чуқурлаштириш, инвестиция ва ишчанлик муҳитини яхшилаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, суд-

лар алоҳида таъкидлаганидек, қабул қилинган қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни



ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш, фуқаролар соғлиғи асралишини, ахборот хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қонунлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ялпи мажлисининг кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама этиш чоғида сенатор-

лар алоҳида таъкидлаганидек, қабул қилинган қонунлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисидаги нутқида ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган мамлакатимизни

(Давоми 2-бетда).

Молия-банк тизимини модернизациялаш масалалари

Пойтахтимизда «Молия-банк тизимини модернизациялашнинг долзарб масалалари» мавзuida республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Тадбир Тошкент молия институти томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Банк-молия академияси билан ҳамкорликда Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 1438-сонли Қарори ҳамда мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги



маърузасида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этилди.

– Президентимиз таъбири билан айтганда, банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омилдир, – дейди Тошкент молия

институти «Банк иши» кафедраси профессори Тўлқин Бобоқулов. – Шундай экан, модернизациялаш жараёнларини молия-банк тизимидан бошлаш бу борадаги ислохотлар самардорлигига эришишда катта аҳамият касб этади.

(Давоми 6-бетда).

Банк тизими: аҳолини иш билан таъминлашдаги фаоллик

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Халқ демократик партияси ва «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамкорлигида «Аҳолини иш билан таъминлаш ва янги иш ўринларини яратишда банк тизимининг ўрни» мавзuida матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Давлатимиз раҳбари томонидан банк тизимини янада ислоҳ қилиш, барқарорлигини ошириш борасида қабул қилинган фармон ва қарорларда белгиланган вазифалар ҳамда Аҳолини иш билан таъминлаш бандлик дастури ижроси доирасида амалга оширил-

ган ишлар таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, сўнгги 10 йил мобайнида соҳа субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 21 баробарга, микрокредитлар ҳажми эса 42 баробарга ўсди ва тадбиркорларнинг кредитлардан фойдаланиш имкониятлари сезиларли даражада кенгайди. Бирги-

на 2015 йилнинг I чорагида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2,8 трлн. сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 31 фоизга ошди.

(Давоми 4-бетда).


Бир мавзу тафсилоти

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан муомалага чиқарилган пластик карталар сони 2,1 млн. донга етиб, шундан он-лайн турдаги «Smart Vista» пластик карталари сони 650 мингтани, «Visa» халқаро карталари сони эса, 85 мингтани ташкил этди.

Банк мижозларининг махсус сўм карталари ҳисобварақларига 1065 млрд. сўмдан ортиқ маб-

лаг ўтказилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,17 баравар кўп демакдир. 18 298 донга терминал савдо-сервис корхоналари ва муассасанинг хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилиб, улар орқали пластик карталар асосида амалга оширилган амалиётларнинг умумий ҳажми 781 млрд. сўмни (2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,25 баравар кўп) ташкил этди.

(Батафсил 3-бетдаги «Интерактив хизматлар ривожланмоқда» сарлавҳали мақолада ўқинг).



DOLZARB MAVZU

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сенаторлар ишни «Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқишдан бошладилар. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011–2015 йилларда республика молия-банк тизimini янада ислох қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»-ги Қарорини ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламентнинг қуйи палатасига киритилган.

«Умумий фойдаланишдаги ҳаво, темир йўл, ички сув ва автомобиль транспорти йўловчиларининг мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида»-ги амалдаги Қонуннинг ўрнини босиши керак бўлган мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча турдаги транспорт воситаларида ташувлар амалга оширилаётганда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва (ёки) мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш орқали кафолатли равишда қоплашга қаратилганлиги қайд этилди.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу қонуннинг қабул қилиниши суғурта бозори ва транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга, кўрсатилаётган хизматлар сифатини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, янги иш ўринларини яратишга кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар қонунчилик ташаббуси тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган янги тахрирдаги «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Таъкидландики, Қонуннинг янги қоидалари қимматли қоғозлар эмиссияси билан боғлиқ ҳуқуқий тартиб-таомилларни, шу жумладан, янги молиявий воситаларни соддалаштиришга, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилган. Қонунда қимматли қоғозларга доир битимлар тузишда имтиёзлар ва преференциялар белгиланмоқда, замонавий электрон технологияларни кенг жорий этишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари назарда тутилмоқда. Қонунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолият олиб боришга қўйилган талаблар, қимматли қоғозлар бозори

иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, ушбу соҳада қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик шартлари ва механизмлари қайта кўриб чиқилмоқда ва белгилаб берилмоқда.



Сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция муҳити ва ишчанлик муҳитини, фонд бозоридаги хизматлар сифатини яхшилашга, мулкдорлар синфи ўсишига ва аҳоли учун даромадлар манбаларини кўпайтиришга, шунингдек, инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш учун капитал, шу жумладан, чет эл инвестициялари оқиб келишига кўмаклашади. Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар янги тахрирдаги «Электрон тижорат тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар. Ушбу Қонун Ҳукуматнинг 2014 йил 17 январда бўлиб ўтган 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида белгилаб берилган вазифаларни рўйбга чиқариш доирасида Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган.

Муҳокама этиш чоғида сенаторлар таъкидлаганларидек, Қонун электрон савдога замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишнинг ҳуқуқий механизмларини яратишга, битимлар тузиш тартиб-таомилларини янада осонлаштиришга, электрон тижорат иштирокчилари ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган бир қатор муҳим қоидаларни ўз ичига олади.

Сенаторларнинг фикрича, ушбу Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорликни ривожлантириш ва ишчанлик муҳитини яхшилаш учун қўшимча шарт-шароитлар яратилишини, электрон тижоратнинг янада такомиллаштирилишини таъминлаш имконини беради. Қонун

сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқдилар ва маъқулладилар. Мазкур Қонуннинг асосий мақсади социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ соҳаларига оид амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Сенаторлар шунингдек, амалдаги қонун ҳужжатларига қатор бошқа муҳим ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш масалаларини кўриб чиқдилар.

Ялпи мажлисининг иккинчи кунини сенаторлар конституциявий ваколатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқилган бошладилар. Қайд этилдики, ҳокимият ижро этувчи тармоғининг фаолияти, хусусан, Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан парламент назорати босқичма-босқич ва тизимли кучайтириб борилаётган шароитда Ҳисоб палатасининг бу борадаги профессионал фаолияти давлат маблағларини мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлашнинг таъсирчан механизмларидан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан сенаторлар томонидан Ҳисоб палатаси фаолияти якунларини ҳар томонлама ва комплекс таҳлил қилиш, замонавий талаблар асосида унинг фаолияти янада такомиллаштирилиши юзасидан тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиш Олий Мажлис Сенатининг муҳим вазифасидир.

Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 18 январда бўлиб ўтган мажлисида Давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилди.

Ушбу вазифаларнинг самарали рўйбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида Ҳисоб палатасининг 2014 йилдаги фаолиятининг асосий йўналишлари Бюджет кодексига мувофиқ Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш устидан назоратни ташкил этишдан, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қону-

нийлигини, аниқ мақсадга йўналтирилганлигини ва самарадорлигини баҳолашдан, 2015 йилга мўлжалланган солиқ ва бюджет сиёсатининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳасининг асосий йўналишларини экспертизадан ўтказишдан, шунингдек, берилган ваколатларга мувофиқ бошқа назорат тадбирларини ўтказишдан иборат бўлди.

Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан бюджет маблағларидан фойдаланишга доир 33 та йўналиш бўйича 149 та объектда назорат тадбирлари ўтказилди.

Ҳисобот йилида қилинган ишлар натижасида давлатнинг ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига етказилган 81,5 миллиард сўмлик зарарнинг ўрни қопланишига эришилди.

Масалани муҳокама этиш чоғида сенаторлар Ҳисоб палатаси назорат тадбирларини кучайтириш ва самарадорлигини оширишга, молиявий ҳуқуқбузарликлар сонини қисқартириш ва келгусида тақдорланишининг олдини олиш юзасидан зарур чоратадбирлар кўришга қаратилган ўз тақлиф ва тавсияларини билдирдилар. Шунингдек, Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан парламент назоратини амалга ошириш соҳасида Ҳисоб палатасининг Олий Мажлис билан ҳамкорлигини кучайтиришга, шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг назорат-таҳлил тадбирларига Ҳисоб палатаси вакиллари жалб қилишга доир аниқ таклифлар ҳам ишлаб чиқилди.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига қирадиган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тегишли қарорлар қабул қилди.

Сенатнинг икки кунлик мажлиси давомида мамлакатимизда демократик, ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш ва изчил чуқурлаштириш соҳасидаги аниқ вазифаларни ҳал қилишга, Асосий Қонунимизнинг низомларини амалда рўйбга чиқаришга, шунингдек, республиканинг инвестициявий жозибадорлигини оширишга, тадбиркорлик фаолиятини кучайтиришга ва ишчанлик муҳитини оширишга ҳамда инсонларнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган 17 та масала, шу жумладан, 7 та Қонун кўриб чиқилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати
материаллари асосида.**

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 19 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2027,12	1 Канада доллари	2101,06	1 Норвегия кронаси	345,30	1 евро	2831,05
1 Англия фунт стерлинги	3974,87	1 Хитой юани	407,48	1 Польша злотийси	713,72	10 Жанубий Корея вони	23,30
1 Дания кронаси	387,20	1 Кувайт динори	8399,79	1 Сингапур доллари	1912,08	10 Япония иенаси	210,79
1 БАА дирхами	688,15	1 Россия рубли	50,54	1 СДР	3579,00	*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.	
1 АҚШ доллари	2527,58	1 Украина гривнаси	122,12	1 Туркия лираси	979,26		
1 Миср фунти	331,27	100 Ливан фунти	167,95	1 Швеция кронаси	307,79		
1 Исландия кронаси	19,51	1 Малайзия ринггити	708,30	1 Швейцария франки	2757,26		

Айрим хорижий валюталарнинг ўтган ҳафтага солиштирма кўрсаткичи: **1 USD ▲ 2527,58 – (2522,73) | 1 EUR ▲ 2831,05 – (2828,84) | 1 GBP ▲ 3974,87 – (3888,03) | 10 JPY ▲ 210,79 – (210,39)**

TARAQQIYOT ODIMLARI

Халқаро валюта жамғармаси низомининг IV Моддасига мувофиқ, 2015 йилги маслаҳатлар доирасида ХВЖнинг Ўзбекистон Республикасидаги миссияси якунлари бўйича пресс-релизи

Халқаро валюта жамғармасининг жаноб Ражи Альмарзоки раҳбарлигидаги миссияси 2015 йилнинг 29 апрель – 12 май кунлари IV Моддага мувофиқ, 2015 йилги маслаҳатлар ўтказиш учун Тошкентда бўлди.

Ражи Альмарзоки миссия иши якунлари тўғрисида куйидагича баёнот берди:

«Ўзбекистон иқтисодиёти Европа ва Россиядаги иқтисодий фаолликнинг сустиги, шунингдек, нефть нархи пастлиги билан ифодаланган мураккаб ташқи шароитда ҳам ўз барқарорлигини намоён этмоқда. 2014 йилда иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари 8,1 фоизни ташкил этди ва бундай юқори ўсиш суръатлари сақланиб қолди. 2015 йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулот 7,5 фоиз ўсди. Давлат томонидан катта ҳажмда инвестициялар сарфланаётгани ва газ экспортини Россиядан Хитойга қайта йўналтириш стратегияси ушбу босқичда мамлакат иқтисодиётини минтақанинг бошқа давлатларида рўй бераётган секинлашишдан ҳимоя қилди. Ташқи иқтисодий мавқе мустаҳкамлигича қолмоқда, аммо жорий операциялар ҳисоб-китоби бўйича профицит ҳажми камайган.

ХВЖ ходимлари томонидан истеъмол нархлари индексини ҳисоблашнинг муқобил услуги асосида ҳисоблаб чиқилган йиллик инфляция даражаси 2015 йилнинг март ойини ҳам қўшганда бир рақамли кўрсаткичгача пасайди ва тахминан 9 фоизни ташкил этди.

Солиқ-бюджет сиёсати ҳар доимгидек пухта амалга оширилмоқда. 2014 йилда бирлаштирилган бюджетда кичик профицит юзага келгандан сўнг, 2015 йилнинг биринчи чораги якунлари бўйича бюджет ижроси мувозанати таъминланди. Бу бюджетда кўзда тутилганидан кам маблағ сарфлангани билан боғлиқдир. Инвестициялар ҳамон давлат харажатларининг муҳим таркибий қисми бўлиб қолмоқда.

Пул-кредит сиёсати ҳам мослашувчанлик даражасида сақланиб турибди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2014 йилнинг январь ойидан асосий ставкани, қайта молиялаштириш ставкасини 12 фоиздан 9 фоизгача туширди. Иқтисодиётда

кредитлар ҳажми юқорилгича қолмоқда. Ўзбек сўмини алмаштириш курсининг пастайиш суръатлари Ўзбекистоннинг савдо шериклари бўлган мамлакатлар валютасига нисбатан анча паст.

Банк сектори барқарорлик, изчил капиталлашув ва юқори ликвидлик даражасини сақлаб қолмоқда. 2014 йилда гаров таъминотини рўйхатга олишнинг марказлаштирилган тизими жорий этилгани молиявий ресурслардан фойдаланишни кенгайтириш имконини берди.



Келгуси истиқбол ҳақида сўз борганда, шуни айтиш керакки, 2015 йилда иқтисодий ўсиш, кутилганидек юқори бўлади. Бунга яқинда қабул қилинган саноат ва инфратузилмани модернизация қилиш, шунингдек, таркибий ислохотларни амалга ошириш ҳамда иқтисодиётда давлатнинг ролини камайтириш имконини берадиган хусусийлаштириш ва корпоратив бошқарув дастурлари самарасида эришилади. Шундай бўлса-да, қисқа муддат ичида Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари ҳисобланган мамлакатларда ўсиш суръатларининг кутилганидан ҳам сезиларли даражада секинлашиши билан боғлиқ хавфларнинг кучайиш эҳтимоли кузатилмоқда. Валюта захираларининг етарлиги, бюджет соҳасининг мустаҳкамлиги ва давлат улуши даражасининг пастлигини ўз ичига олган салмоқли буфер захираси ҳисобидан юқорида келтирилган омиллар таъсирининг олди олинади. Тегишли иқтисодий сиёсат чоралари, жумладан, солиқ-бюджет сиёсатининг ўртача юмшатилиши, қатъий пул-кредит сиёсати ва мослашувчан алмашув курси қисқа муддатли даврда иқтисодиётда салбий таъсирларни юмшатиш имконини беради.

Аҳоли барча қатламлари манфаатларига хизмат қиладиган барқарор ва мувозанатли ўсиш суръатлари хусусий секторни изчил ри-

вожлантиришни рағбатлантиришга асосланган. Бунда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, корпоратив бошқарув ва ошкоралик принципларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Расмий идоралар хусусий секторни изчил ривожлантиришнинг аҳамиятини яхши тушунади. Расмий идораларнинг таъкидлашича, валютани назорат қилиш чораларини юмшатиш, асосий инфратузилма ва хомашё ресурсларидан фойдаланишни кенгайтириш, хусусий мулк ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, лицензия ва рухсат беришни расмийлаштириш билан боғлиқ тартиб-таомиллар, муддат ва харажатларни камайтириш, шунингдек, хусусий экспортчиларни қўллаб-қувватлаш орқали хусусий секторни ривожлантиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар кўрилади. Бу борадаги қатъий чоралар хусусий секторни ривожлантиришга янги туртки беради.

Шу муносабат билан миссия расмий идораларнинг энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва тартибга солинадиган нархларни босқичма-босқич ошириш орқали энергия ресурслари учун мавҳум субсидияларни қисқартириш бўйича стратегиясини, шунингдек, давлат мулки бўлган 1500 дан зиёд объектни корпоратив бошқаришни мустаҳкамлаш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қарорини ижобий баҳолайди.

Расмий идораларнинг солиқ-бюджет статистикасини эълон қилиш орқали маълумотлар ошкоралигини таъминлаш тўғрисидаги қарори ҳам эътиборга моликдир. Муҳим иқтисодий ва ижтимоий ахборотдан фойдаланиш ва унинг сифатини янада ошириш амалга ошириладиган сиёсатни ҳақиқий маълумотларни қўллаш ёрдамида мустаҳкамлаш имконини беради. Шу муносабат билан миссия расмий идораларнинг миллий ҳисоб-рақамлар статистикаси масаласи бўйича техник ёрдамни жалб этиш борасидаги режасини маъқуллайди.

Миссия Ўзбекистоннинг расмий идоралари ва бўлиб ўтган учрашувларнинг бошқа иштирокчиларига самимий меҳмондўстлик ҳамда самарали мулоқот учун миннатдорлик изҳор этади.

Интерактив хизматлар ривожланмоқда

Жорий йилнинг биринчи чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан муомалага чиқарилган пластик карталари сони 2,1 млн. донага етиб, шундан он-лайн турдаги «Smart Vista» пластик карталари сони 650 мингтани, «Visa» халқаро карталари сони эса, 85 мингтани ташкил этди.

Шу йилнинг ўтган 3 ойи давомида ТИФ Миллий банки мижозларининг махсус сўм карталари ҳисобварақларига 1065 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ўтказилди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,17 баравар кўп демакдир. 18 298 дона терминал савдо-сервис корхоналари ва муассасанинг хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилиб, улар орқали пластик карталар асосида амалга оширилган амалиётларнинг умумий ҳажми 781 млрд. сўми (2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,25 баравар кўп) ташкил этди. Шунингдек, банк ушбу даврда «Иш ҳақи» лойиҳаси доирасидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда аҳоли гавжум жойларга ўрнатилган ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ускуналари сони 244 тага кўпайтирди.

Бундан ташқари, ТИФ Миллий банки пластик карталарни мижозлар учун нафақат тўлов амалларини бажарувчи, балки қўшимча хизмат ва сервислардан фойдаланиш имконини берувчи қулай воситага айлантиришга интилоқда. Ҳозирда банк пластик карталари орқали бажарилган амалиётлар ва ҳисоб рақам қолдиги тўғрисидаги маълумотлар мижозларнинг мобиль телефонларига SMS-хабарлар, электрон почтасига E-mail хабарлар кўринишида юбориш имконияти пайдо бўлди. Бундан ташқари, карта эгалари шахсий WEB- ва IVR-кабинетлар орқали ҳам маълумотларни кузатиб туришлари мумкин. 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, IVR сервисига 42 855 нафар, «SMS-хабарлаш» хизматида 47 192 нафар, «Web-хабарлаш» хизматида 2 100 нафар ва «E-mail-хабарлаш» хизматида 701 нафар банк мижози ушбу хизматлардан фойдаланди. Шу тариқа ҳисобот санасига кўра, банк бўйича информацион хизматларга уланган мижозлар сони 47,4 мингдан ортди.

Банк мижозларига мобиль алоқа, интернет, коммунал ва бошқа хизмат турларига он-лайн режимда мобиль телефон ёки интернет орқали тўловларни амалга ошириш учун «SMS-To'lov» ва «Click» хизматларини тақдим қилиб келмоқда. Уч ой мобайнида «Click» тизимида 62,3 минг нафар мижоз уланган, «SMS-To'lov» тўлов тизимида эса, 814 нафар мижоз қабул қилинган.

ТИФ Миллий банки нақд

пулсиз ҳисоб-китобларни янада ривожлантириш йўлида пластик карталар эгаларига хизмат кўрсатиш инфратузилмасини янада ривожлантириш, хусусан, жорий йилда 15 та янги банк-комат ва 50 та инфокиоск ўрнатишни кўзда тутган бўлиб, уларнинг умумий сонини мос равишда 137 ва 172 тага етказишни режалаштирган. Бундан ташқари, халқаро «Visa» карталари эгалари учун ҳам қатор янгиликлар жорий қилиш, жумладан, чипли «Visa» карталарини муомалага чиқаришни кўзда тутмоқда. Мазкур турдаги карталар амалиётлар ўтказиш хавфсизлигини ошириб, маълумотларга зиён етказиш хавфини камайтиради. Ахборот хизматларига улангач эса, мижозлар ўзларига тегишли «Visa» карталари орқали ўтказилган операциялар ҳақида мобиль телефонларига SMS-хабарлар, электрон почталарига e-mail-билдиргилар, шунингдек, Web- ва IVR-кабинетларда маълумот олишлари мумкин.

Бундан ташқари, ТИФ Миллий банки томонидан виртуал оламда харид қилишни истаганлар учун янги турдаги «Verified by Visa» хизматини тақдим этиши кутилмоқда. Ушбу тизим орқали 3D-Secure технологияси бўйича интернет-дўконларда операцияларни бехатар амалга ошириш имкони туғилади. Бу борада хавфсизлик мижозга тақдим этилган махсус парол орқали таъминланади. Тизим хавфсизлигининг юқорилиги эса мазкур хизматнинг энг афзал жиҳатини ифодалайди. Эътиборли томони, банк томонидан жорий қилинаётган электрон тижорат тизимида нафақат экспортга йўналтирилган ишлаб чиқарувчилар уланиш имконига эга бўлади, балки ушбу тизим меҳмонхона мажмуалари, туристик фирмалар, авиа ҳамда темир йўл чипталари билан савдо қилувчи агентликлар ҳисобига ҳам кенгайтириб борилади.

Шунингдек, ТИФ Миллий банки томонидан смартфон эгалари учун махсус иловалар яратилмоқда. Улар масофадан туриб карта ҳисобини бошқаришдан ташқари, ҳисоб рақамини блокировка қилиш ёки очиш, мини кўчирмалар олиш, сўнгги 5 та операцияни юклаб олиш ҳамда балансни текшириш имконини беради.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

BANK FAOLIYATI

Банк тизими: аҳолини иш билан таъминлашдаги фаоллик

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу жумладан, микрокредитлар ҳажми 2014 йилнинг шу даврига нисбатан 1,3 баробарга ўсиб, 591 млрд. сўмни ташкил этди.

Матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тижорат банкларининг инвестиция портфелини мониторинг қилиш департаменти директори Азамат Қосимов, Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева сўзга чиқиб, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан халқаро стандартлар асосида самарали банк назоратининг амалга оширилиши банкларнинг ресурс маблағлари йилдан-йилга кўпайишига замин ҳозирлаши билан бирга, тизим барқарор ишлашига ҳам шароит яратганини қайд этиб ўтишди. Бу эса ҳудудларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш, касб-хунарларни эгаллаган ўғил-қизлар тадбиркорлигини

кенг йўлга қўйишга хизмат қилди. Буни «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган сўровларда иштирок этган респондентлар банк тизимидаги ислохотлар самарасини алоҳида эътироф этгани ҳам исботлаб турибди.

Матбуот анжуманида шунингдек, Марказий банкнинг Халқ демократик партияси билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Маълумотларга кўра, ҳамкорлик самарасида ҳудудларда 100 дан зиёд амалий учрашувлар ўтказилган. Қишлоқ жойларида яшаётган аҳолига тижорат банклари томонидан 38 млрд. сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилиб, 5 мингдан ортиқ қишлоқ аҳолиси янги иш ўрни билан таъминланган.

Бундан ташқари, бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаларида 2 300 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар ўзлари-



нинг 31 500 бўш иш ўринлари билан иштирок этиб, 8 мингдан зиёд фуқаролар иш ўринларига эга бўлган.

Мухтарам Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларининг ижросини таъминлаш мақсадида 2014 йилда банк тизимида асосий эътибор ёшларни иш билан банд қилишга қаратилди.

Шунга мувофиқ, Марказий банк, тижорат банклари, «Ка-

молот» ЁИХ ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда жойларга чиқиб, республика бўйича қўшимча 250 мингта янги иш ўринлари ташкил этиш бўйича аниқ манзилли дастур ишлаб чиқилиб, олиб борилган ишлар натижасида 2014 йилда 252 мингдан зиёд янги иш жойлари ташкил этилди.

2015 йилда мамлакатимизда ҳар бир оила фаровонлигини юксалтириш, айниқса, ёшлар-

нинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида банк тизимида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Бунда асосий эътибор касб-хунар коллежи битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга, аёллар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш каби устувор вазифаларга қаратилади.

Жумладан, 2015 йилда касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштиришга 250,0 млрд. сўм, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 1 трлн. сўм ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга 200 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилади. Касб-хунар коллежи битирувчиларини тадбиркорликка кенг жалб этиш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳамда бизнесни йўлга қўйишлари учун бизнес-режалар ишлаб чиқишда тижорат банклари томонидан яқиндан амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Бекзод АКРОМОВ.

Банклар салоҳияти оширилмоқда

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан мамлакатимиз Президентининг жорий йил 6 майдаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва уларнинг ресурс базасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросига бағишланган семинар ташкил этилди.

Анжуманда республика банк тузилмаларининг раҳбар ва масъул ходимлари иштирок этди.

Таъкидландики, мамлакатимиз раҳбарининг мазкур қарори билан Марказий банк томонидан Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ва тижорат банклари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлигини янада ошириш, уларнинг ресурс базасини ривожлантириш комплекс чора-тадбирлари тасдиқланди.

Семинарда республика банкларига халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ, хусусан, депозит ва кредит сиёсати бўйича қўйиладиган меъёрий талабларни такомиллаштириш масалалари тақдимоти намойиш этилди.

Бундан ташқари, тижорат банкларида корпоратив бошқарув методларини такомиллаштириш, жумладан, хорижий мамлакатларнинг етакчи банклари ва молия ташкилотларидаги бошқарув тизимини теран ўрганиш асосида таваккалчиликларни бошқариш ва ички назоратни яхшилаш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг ресурс базасини қарз қоғозлари чиқариш ҳажмини ошириш, нақдсиз ҳисоб-китоблар тизимини кенгайтириш, ҳисоб-китоб терминаллари сонини кўпайтириш, банк пластик карталарини муомалага чиқариш ҳажми ошишини таъминлайдиган илғор ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга татбиқ этиш орқали инновацион узоқ муддатли депозит дастурларини ишлаб чиқиш билан мустаҳкамлаш мумкин.

Шу боис, мамлакатимиз тижорат банклари семинар иштирокчиларини банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини янги жозибадор жамғарма ва депозитларни амалиётга татбиқ этиш орқали банк

айланмасига кенг жалб этиш чора-тадбирлари билан таништирдилар.

Қайд этилдики, 2015-2019 йилларда Марказий банк томонидан тижорат банкларига қўйиладиган меъёрий талабларни янада такомиллаштириш, капитал етарлилиги ва ликвидлик кўрсаткичларини яхшилаш кўзда тутилган банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган янги стандартлар ва тавсиялар (Базель-III) босқичма-босқич жорий этилади.

Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси, кейинги йилларда инфляция даражаси изчил пасайиши, шунингдек, бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигини ҳисобга олган ҳолда тижорат банклари жалб қилаётган депозитлар фоиз ставкаларини белгилаш механизминини ишлаб чиқиш бўйича ҳам фикр-мулоҳазалар алмашилди.

Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 28 июлдаги «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори билан тижорат банкларига кредит портфели таркибидаги узоқ муддатли инвестициявий молиялаштириш улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлаш юзасидан берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2020 йилнинг 1 январига қадар узайтирилгани мамлакатимиз банкларининг барқарор фаолият юритиши учун зарур шароитларни ҳозирламоқда.

Семинар давомида мамлакатимиз банкларининг барқарор фаолиятини янада мустаҳкамлаш борасида қатор фикрлар билдирилди ва улар умумлаштирилган ҳолда семинарнинг якуний ҳужжатида акс эттирилди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати.

Чакана хизматлар

бозорининг ривожини сари

Чакана хизматларнинг кўрсатилиши аҳолининг кўпгина ижтимоий-иқтисодий масалалари ҳал этилишига ёрдам берадиган омил ҳисобланади.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик-тижорат банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланишига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизминини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабларидан келиб чиқиб, аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида бугунги кунда банкнинг минтақавий ҳамда туман филиалларида жами 29 та сайёр кассалар ташкил қилинган.

Аҳолидан коммунал тўловларни йиғишга ихтисослашган махсус сайёр кассалар, яъни банкнинг номи ва логотипи туширилган «Damas» автомашиналари орқали сайёр кассалар фаолияти йўлга қўйилган.

Ушбу сайёр кассаларга касса ходимлари бириктирилиб, улар зарур жиҳозлар (сейф, терминал, пул санаш машинкаси ва бошқалар) ҳамда махсус бланклар билан таъминланган бўлиб, аҳолининг ишдан бўш вақтларида, дам олиш кунларида ҳам уларга самарали хизмат кўрсатиш учун ушбу сайёр кассалар фаолият юритиб келмоқда.

Ушбу сайёр кассалар орқали жорий йилнинг январь-апрель ойлари давомида жами 11 552,4 млн. сўм коммунал тўловлар қабул қилинган.

Мижозларга қўлайликлар яратиш мақсадида «Интернет-банкнинг», «SMS-банкнинг» каби банк хизмат турлари доираси кенгайтирилиб, 2015 йил 1 май ҳолатига «Интернет-банкнинг» тизими жорий қилинган мижозлар сони 1806 тага, «SMS-банкнинг» жорий қилинган мижозлар сони 14 609 тага етди.

Бугунги кунда банкда масофадан туриб банк хизматлари кўрсатиш тизимининг янги тури «SMS-тўлов» тизими татбиқ этилди.

Бундан ташқари, «Click» МЧЖ билан биргаликда банк ўз мижозларига «онлайн» карточкалари орқали тўловларни амалга ошириш тизимини татбиқ этган бўлиб, ҳозирда барча банк мижозлари турли кўринишдаги тўловларни ўз мобиль аппаратлари орқали ўтказиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

«Қишлоқ қурилиш банк» бугун юртимизда замонавий қурилиш саноатини ривожлантириш, янги мулкдорлар синфини шакллантириш, шунингдек, қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи сифатини тубдан ўзгартиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Юлдуз ЗОКИРОВА.

IQTISODIYOT TARMOQLARIDA

Мақсад — энергия тежамкорлигига эришиш

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида энергия захираларидан самарали фойдаланиш, инвестиция лойиҳаларини жалб қилиш, жаҳон тажрибасини амалиётга қўллаш ва тўлов тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган анжуман ўтказилди.

«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда юртимизнинг табиий бойликларини авайлаб-асраш, истеъмолга узатилган электр энергиясидан самарали фойдаланиш, хорижий инвестицияларни жалб этган ҳолда инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, истеъмол қилинган электр энергия учун ҳисоботларни электрон кўринишда электр таъминоти корхоналарига тақдим этиш ва соҳада тўлов тизимини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар, шунингдек, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмолчиларга етказиб бериш бўйича жорий йилнинг биринчи чорагида эришилган натижалар хусусида сўз борди.

– 2015 йилнинг 1 апрель ҳолатига кўра, республикамизда электр энергиясини ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,7 фоизга, истеъмолчиларга етказиб бериш 102,2 фоизга ўсиши таъминланди, – дейди «Ўзбекэнерго» ДАК бошқаруви раиси ўринбосари Р.Раимов. – Жорий йил учун мўлжалланган умумий қиймати

6 304,56 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги 26 та лойиҳа бўйича ишлар қизғин ташкил қилиниб, ушбу даврда ўзлаштирилиши белгиланган маблағлар режаси 149 фоизга бажарилди. Мазкур сармоялар таркибида компаниянинг ўз маблағларидан ташқари, хорижий инвестициялар ҳамда тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳам ўрин олган.



Компания инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасининг 2015 йилги Инвестиция дастури тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, иш олиб бормоқда. Хусусан, жорий йилда мазкур қарор асосида 26 та йирик инвестиция лойиҳаси билан

бирга 8 та энергетика объектини ишга тушириш мўлжалланган.

Анжуманда компаниянинг бир қатор ишлаб турган электр станциялари, жумладан, Тошкент, Толимаржон, Навоий, Тахиатош иссиқлик электр станцияларида умумий қуввати 1970 мегаватт бўлган буғ-газ турбиналарининг қурилиш ишлари амалга оширилаётганлиги, муқобил энергия манбаларидан, айниқса, қуёш энергиясидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги, бу борада Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт бўлган қуёш

фотоэлектр станциясининг қурилиш ишлари бошлаб юборилганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, тадбирда компания томонидан электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган (АСКУЭ) тизимини татбиқ этиш билан электр

энергиясини ҳисобга олишни модернизациялаш, ушбу тизимни такомиллаштириш ва истеъмолчиларнинг молиявий интизомини кучайтириш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида аҳолининг фойдаланилган электр энергияси ҳисобкитобини аниқ, тўлиқ ва ишончлилигини таъминлайдиган замонавий электрон ҳисоблагичлар ўрнатиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилаётганлиги хусусида маълумот берилди.

– АСКУЭ лойиҳалари учун Осиё тараққиёт банкининг 150 млн. АҚШ доллари, Жаҳон банкининг 180 млн. АҚШ доллари, Ислон тараққиёт банкининг 130 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари жалб қилинган, – дейди «Энергосотиш» ФФ директори ўринбосари Ш.Ходжаев. – Бундан ташқари, тўлов тизимини такомиллаштириш бўйича алоҳида концепция ишлаб чиқилиб, унга кўра, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда истеъмолчиларга тўлов имкониятларини яратиш ҳамда ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг моддий-техник базасини модернизациялаб, ходимларнинг касбий маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бундай шартшароитлар ҳам аҳоли, ҳам ходимлар учун бирдек қулайликка эга бўлиб, у яқин истиқболда ўз самарасини беришига ишонамиз.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эътибор

Пойтахтимизда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси томонидан республикада қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар, сифат ва самарадорликни ошириш, муаммо ва ечимлар мавзусига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда Президентимиз раҳнамолигида қишлоқлар инфратузилмасини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли лойиҳалар, sanoat объеклари, уй-жой фонди, таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, янгиликларини барпо этишга қаратилган дастурлар ушбу соҳани жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлаётгани таъкидланиб, бу борада амалга оширилган чора-тадбирларнинг амалий натижаси сарҳисоб қилинди.

– Чунончи, 2015 йилнинг I чораги якунлари бўйича компания томонидан жами 475,2 млрд. сўмлик sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқарилди, – дейди «Ўзқурилишматериаллари» АК бошқарма бошлиғи Ўткир Турдиев. – Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми эса, 38,31 млрд. сўмга етказилиб, бу борадаги ўсиш 107,1 фоизга тенг бўлди. Шунингдек, ушбу даврда 1696,7 минг тонна цемент (ўсиш суръати 102,7 фоиз), 1834 минг кв. метр қурилиш ойнаси (119,7 фоиз), 8,9 млн. дона деворбоп материаллар (153,6 фоиз), 189 минг кв. м керамик плиталар (6,3 марта), 1,8 минг тонна йиғма те-

мир-бетон маҳсулотлари (161,9 фоиз) ва бошқалар ишлаб чиқарилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида эса, 1202,6 млн. сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, белгиланган прогноз кўрсаткич 104,2 фоизга бажарилди. 15,866 млн. АҚШ доллари миқдорида маҳсулотлар экспорт қилинди.

Анжуманда компания томонидан замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилганлиги, хусусан, сўнгги йилларда 30 дан ортиқ янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилганлиги қайд этилди.

Тадбирда компания томонидан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кучайтириш борасида кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилаётгани маълум қилинди.

– Мазкур йўналишдаги лойиҳалар қаторида «Ангрен» маҳсус индустриал ҳудуд (МИХ)да «Оригинал голд керамик» ХК томонидан архитектуравий қопловчи гишт ишлаб чиқариш, «Жиззах» МИХда Хитойнинг «Sinoway Industrial Co.» компанияси иштирокида маҳал-

лий хомашёни қайта ишлаш ҳисобига замонавий технологиялар асосида энергия тежамкор қурилиш материалларини ишлаб чиқариш, Фарғона шаҳрида «Модерна керамик индустризи» ҚК томонидан сопол плиталар ишлаб чиқариш, Бекобод шаҳрида «Uz Oupa» МЧЖ томонидан архитектура-қурилиш ойнасини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш каби лойиҳаларни амалга ошириш мумкин, – дейди Ў.Турдиев. – Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига мувофиқ, 2015-2016 йилларда қурилиш материалларини ишлаб чиқариш тармоғида 2 мингдан ортиқ лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бунда 773,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилади ва 35,0 мингта янги иш ўрни яратилади.

Бундан ташқари, «Ўзқурилишматериаллари» АК томонидан 2015 йилнинг январь-март ойларида республикамиз бўйича жами 205 та лойиҳа амалга оширилиб, 23,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги инвестициялар ўзлаштирилган. Натижада 1 900 дан зиёд янги иш ўрни яратилган. 2015-2019 йилларга мўлжалланган Маҳаллийлаштириш дастурига асосан эса, 20 дан ортиқ турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш ва ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Гулшан ЮСУПОВА.

Енгил sanoatни ривожлантириш истиқболлари

Тошкентда мамлакатимиз тўқимачилик sanoatига инвестицияларни жалб қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ва унинг миллий иқтисодиётдаги аҳамиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

«Ўзбекенгилsanoat» давлат-акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда республикамизда ушбу тармоқни янада ривожлантириш, модернизациялаш ва ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар мазмуни ҳамда унинг амалий натижаси хусусида сўз борди.

Бугунги кунда мамлакатимизда тўқимачилик, тикувчилик, трикотаж, ипакчилик йўналишларида ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи икки мингдан ортиқ корхоналар мавжуд бўлиб, уларнинг 311 таси «Ўзбекенгилsanoat» ДАК тизимида фаолият юритади. Шундан 156 таси Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Германия, Швейцария, Италия, Япония, АҚШ каби етакчи давлатлар инвестицияси иштирокида ташкил этилган.

Тадбирда «Ўзбекенгилsanoat» ДАК корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга ортиб бораётгани, маҳаллий ва жаҳон бозорига кенг ассортиментдаги калава ип ва газламалар, тикувчилик, тикув-трикотаж, пайпоқ буюмлари ва ипакчи-

лик маҳсулотлари етказиб берилаётгани, шунингдек, маҳсус иш кийимлари ва тиббиётга оид бошқа маҳсулотлар буюртмаси ҳам ўз вақтида қондирилаётгани айтиб ўтилди.

– Мустақиллик йилларида тўқимачилик sanoatига 2,1 млрд. АҚШ доллари миқдорида инвестициялар йўналтирилди, компания таркибидаги корхоналарга 74 мингдан зиёд аҳоли (уларнинг 70 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил қилади) ишга жалб қилинди, – дейди «Ўзбекенгилsanoat» ДАК бошқаруви раиси ўринбосари Шамсиддин Султонов. – Жорий йилда умумий қиймати 231,92 млн. АҚШ долларга тенг бўлган 31 та инвестиция лойиҳани ишга туриш кўзда тутилган. Шундан ўтган биринчи чорак давомида 120 млн. АҚШ долларида ортиқ сармоя ҳисобига 11 та лойиҳа амалга оширилиб, натижада 2700 та янги иш ўрни барпо этилди. Йил якунигача барча лойиҳалар муваффақиятли ишга тушса, жами 4,2 мингта янги иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

(Давоми б-бетда).

ISLOHOTLAR SAMARASI

Банк тизими иқтисодий тараққиётнинг етакчиси

Бугунги кунда мамлакатимизда 26 та тижорат банки, уларнинг республикаимиз ҳудудлари 846 та филиали, 4200 дан зиёд мини-банк ва махсус кассалари аҳоли ҳамда юридик шахсларга сифатли банк хизматини кўрсатиб келмоқда.

Банк тизимининг ресурс базасини кенгайтириш ва банкларнинг инвестициявий фаоллигини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 6,9 трлн. сўмдан ортқни ташкил этиб, банкларнинг умумий активлари 28,2 фоиз, мижозларнинг банклардаги жалб қилинган депозитлари 30,5 фоизга кўпайди. Натижада мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 23,8 фоизни ташкил қилди ва бу кўрсаткич халқаро стандартларга нисбатан уч баробар юқоридир.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури глобал инқироз таъсирини нафақат юмшатиш, балки миллий иқтисодиётимизнинг изчил ривожланишини ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун асос бўлди.

Бунинг натижасида мамлакатимиз иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлган жаҳоннинг санокли давлатлари қаторида эътироф этиб келинмоқда.

Албатта, тижорат банклари томонидан биргина иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш борасида-

ги фаолияти ҳақида гап борганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2008 йил 19 ноябрдаги «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш

фик, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг капиталлашув даражасини янада ошириш ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва бошқариш механизmlарини такомиллаштириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта

тириш ва фаолиятини қайта тиклаш ҳамда улар томонидан ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди ва амалга оширилиб келинмоқда.

Ушбу корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш мақсадида тижорат банклари томонидан ўтган 2008-2014 йиллар давомида 613,8 млрд. сўмлик инвестициялар киритилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фаолияти қайта тикланган корхоналарда бугунги кунга қадар 3,1 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва 821,6 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулотлар экспорт қилинди.

Бундан кўриш мумкинки, кеча банкрот деб эълон қилинган ва иқтисодиётга ҳеч қандай фойдаси бўлмаган корхона томонидан тижорат банкларининг кўмаги билан бугун нафақат ялпи ички маҳсулот ёки экспорт салоҳиятимиз, балки бу орқали бутун иқтисодиётимизга ҳам ўз фойдасини келтирмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури доирасида микрофирма ва кичик корхоналарда ишлаб чиқариш ҳажми кейинги беш йил мобайнида сезиларли ра-

вишда ошганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ўз навбатида, ушбу соҳага жиддий эътибор қаратиб келинаётганлигидан далолат беради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга мувофиқ, тадбиркорлик субъектларига ўз бизнесларини юритишда бир қатор имтиёз ва преференциялар берилди.

Мисол учун Фармон билан яратилган имтиёзларнинг айримларига тўхталадиган бўлсак, унга мувофиқ:

тадбиркорлик субъектлари томонидан ўз ҳисобварақларидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилишида банк хизматлари учун тўлов олиш амалиёти бекор қилинди;

хўжалик юритувчи субъектлари томонидан солиқ ва молиявий ҳисоботларни тақдим этмаслик ёки улар кўрсатилган манзилда мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ идоралари томонидан фақатгина суднинг тегишли қарорига асосан хўжалик субъектларининг банк ҳисобварақлари бўйича

Умуман олганда, юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажми охириги 5 йилда 4,9 баробарга, ажратилган микрокредитлар ҳажми эса 5,9 баробарга ошди. Ўтган йил якуниларига кўра, ушбу мақсадларга ажратилган кредитлар умумий ҳажми 2013 йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсиб, 9,2 трлн. сўмни, шу жумладан, микрокредитлар ҳажми 1,4 баробарга ортиб, 1,9 трлн. сўмни ташкил этди.

тўғрисида»ги Фармойишига мувофиқ, тижорат банклари томонидан банкрот корхоналарни тиклаш, уларни модернизациялаш ва фаолиятини ривожлантириш ҳамда салоҳиятли инвесторларга, шу жумладан, хорижий инвесторларга сотиш тадбирлари амалга оширилиб келинаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мазкур Фармонга муво-

жиҳозлаш жараёнига инвесторларни, шу жумладан, тижорат банкларининг маблағларини кенг жалб этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширила бошлади. Банкрот деб эълон қилинган корхоналарни ким ошди савдоларида тижорат банкларига мулк сифатида сотиш ҳамда банклар томонидан банкрот корхоналарни молиявий соғломлаш-

Енгил саноатни ривожлантириш истиқболлари

(Давоми. Бошланиши 5-бетда).

Анжуманда Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги 4707-сонли Фармонига мувофиқ, тўқимачилик саноатини ривожлантиришнинг 2015-2019 йилларга мўлжалланган дастури тасдиқлангани, унга кўра, ҳудудларда 56 та лойиҳа, шу жумладан, йирик тўқимачилик мажмуалари бунёд этилиши кўзда тутилгани маълум қилинди.

Бугунги кунда юртимиз тўқимачилик корхоналарининг асосий истеъмолчилари МДХ таркибига кирувчи мамлакатлар, биринчи навбатда, Россия Федерацияси, шунингдек, Европа Иттифоқи давлатлари, Жанубий Корея ҳамда бошқа бир қатор мамлакатлар бозорлари саналади. Бундан ташқари, тадбирда тўқимачилик корхоналари томонидан Жанубий Америка, Канада ва АҚШ бозорларига ҳам маҳсулот экспорт қилиш ўзлаштирилаётгани таъкидланди.

Анжуманда «Ўзбекенгилсаноат» ДАКнинг яқин истиқболдаги вазифалари бўйича олиб бораётган саъй-ҳаракатлар баён қилинди. Енгил саноат маҳсулотларининг маркетинги ва рекламасини ривожлантириш юзасидан изчил изланишлар амалга оширилаётгани қайд этилди.

Ширин БАЙСЕНОВА.

Молия-банк тизимини модернизациялаш масалалари

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатимизда ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар қизгин тарзда бошлаб юборилган. Чунончи, тўловларнинг реал вақт режимида ўтишини таъминловчи замонавий тўлов тизими яратилди, давлат бюджетининг газна ижрочилиги йўлга қўйилиб, у босқичма-босқич ривожлантирилмоқда, бюджет-солиқ тизимининг институционал асослари ислох қилинди, тижорат банкларининг ресурс базаси тобора такомиллаштирилмоқда, суғурта компанияларининг капиталлашиш даражасига нисбатан қўйиладиган талаблари кучайтирилмоқда. Буларнинг бари банк-молия тизимини модернизациялашнинг таянч асослари саналади. Мазкур тадбир соҳадаги илмий ходимлар ва амалиётчиларни ўз мавзуси доирасида бирлаштириб, илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда тегишли хулосаларни



шакллантиришни кўзда тутган.

Анжуманда «Молия-банк тизими барқарорлигини таъминлаш ва унинг қонунчилик базасини халқаро андозалар ва тамойиллар асосида янада такомиллаштиришнинг долзарб масалалари», «Банк тизимини модернизациялашнинг илғор хориж тажрибаси ва уни Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида қўллаш имкониятлари», «Тижорат банкларидан корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда банкларнинг ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларида-

ги фаоллигини янада ошириш йўналишлари», «Банк тизимида электрон тўловлар ва масофавий банк хизматлари амалиётини кенгайтириш», «Банк тизимида электрон тўловлар ва масофавий банк хизматлари амалиётини кенгайтириш» ҳамда «Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни халқаро меъёр ва стандартлар асосида янада такомиллаштириш масалалари» каби мавзулар доирасида маърузалар тингланиб, улар юзасидан ўзаро муҳокамалар олиб борилди.

Тадбир якунида банк-молия тизимини янада

ислох қилиш ва такомиллаштириш, соҳани ривожлантириш дастурини амалга оширишни жадаллаштириш, тижорат банкларининг барқарорлигини мустаҳкамлаш ва капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнларида, хусусан, реал сектор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашда банклар фаоллигини оширишга йўналтирилган илмий асосланган тавсия ва амалий таклифлар ишлаб чиқилди.

Анжуманда Марказий банк, Ўзбекистон банклари Ассоциацияси, банк-молия муассасалари ва кредит ташкилотларининг раҳбар ходимлари ҳамда етакчи амалиётчи мутахассислари, шунингдек, олий таълим муассасалари ва илмий марказларнинг профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари ҳамда мустақил тадқиқотчилари иштирок этди.

Эъзоз КАМОЛОВА.

QONUNCHILIKDAGI YANGILIKLAR



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз



Ўзбекистон Бутунжаҳон почта уюшмасининг бир қатор ҳужжатларига қўшилди

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 27 апрелдаги ПК-2339-сонли Қарори билан Ўзбекистон қуйидагиларга:

Бутунжаҳон почта уюшмасининг Умумий регламентига (Доха, 2012 йил 11 октябрь);

Бутунжаҳон почта конвенциясига (Доха, 2012 йил 11 октябрь);

Бутунжаҳон почта конвенциясининг Якуний протоколига (Доха, 2012 йил 11 октябрь);

Почта тўлов хизматлари тўғрисидаги Битимга (Доха, 2012 йил 11 октябрь) қўшилди.

Бутунжаҳон почта конвенциясига қўшилиши Бутунжаҳон почта уюшмасининг почта

худудини бирлаштириш тушунчасини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилди. Мазкур Конвенцияга аъзо давлатлар барча фойдаланувчилар/мижозлар мақбул нархларда хизматларни тақдим этадиган универсал почта хизматида кириш ҳуқуқига эга бўлишларига ҳаракат қилмоқдалар.

Бунинг учун Конвенция аъзолари ўзларининг миллий почта тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ёки бошқа воситалар доирасида тегишли почта хизматларининг аҳамиятини, сифатини ва аҳоли эҳтиёжларини ва ўз миллий шароитларини ҳисобга олган ҳолда мақбул нархларни белгиламоқдалар.

Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш тартибига ўзгартиришлар киритилди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 апрелдаги 105-сонли қарори билан 2015 – 2019 йилларда тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритилди.

Ҳужжат билан Саноат операцияси асосида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материалларни ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартиришлар киритилди (Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги 154-сонли қарори билан тасдиқланган).

Киритилган ўзгартиришлар билан Маҳаллийлаштириш дастурига лойиҳани киритиш учун мезонлардан би-

рига тузатиш киритилди: ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бўйича маҳаллийлаштириш даражаси 36 фоиздан кам бўлмаслиги лозим (илгари 33 фоиз эди).

Илгари амал қилган лойиҳани истисно тартибига, агар маҳаллийлаштириш даражаси 33 фоиздан паст, бироқ 30 фоиздан кам бўлмаганда, кейинчалик бир йил давомида маҳаллийлаштириш даражасини 33 фоизгача етказиш шarti билан Дастурга киритиш мумкинлигини белгиллов-

чи меъёр ўз кучини йўқотди.

Энди лойиҳани истисно тартибига Маҳаллийлаштириш дастурига киритиш тўғрисидаги қарор Махсус идоралараро комиссия томонидан фақат уни амалга оширишнинг иқтисодий жиҳатдан аниқ асосланган мақсадга мувофиқлиги мавжуд бўлганда қабул қилинади, бунда биринчи тўртта белгининг камида биттаси даражасида сарфланадиган хомашёга нисбатан ТИФ ТН коди бўйича пировард маҳсулотнинг товар позицияси ўзгариши таъминланмайди.

Бундан ташқари, қарор билан Дастурга 4 лойиҳа киритилди.

Депозитарий ҳисоби ва ҳисобот бериш қоидалари ўзгартирилди

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази бош директорининг буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 30 апрелда 844-8-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Депозитарий ҳисоби ва ҳисобот беришнинг ягона қоидалари (стандартлари)га қўшимчалар киритилди.

Юридик шахс – Ўзбекистон резиденти томонидан депо ҳисоб рақами очиш учун депозитарийга тақдим этиладиган Давлат статистика департаменти ёки унинг худудий бўлинмаларининг юридик шахсни статистика органларида рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасининг нусхаси ҳужжатлар рўйхатидан чиқариб ташланди.

Киритилган қўшимчалар билан аниқлаштирилишича, агар чет эллик юридик шахсни рўйхатдан ўтказган мамлакат савдо ёки банк (банклар учун) реестридан кўчирмага апостиль қўйилган бўлса, юридик шахс – норезидент томонидан депо ҳисоб рақами очишда тақдим этиладиган кўчирма нусхасини легаллаштириш талаб этилмайди.

Ҳужжатда қимматли қоғозларни блокировкалашга доир ваколатли давлат органининг кўрсатмаси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёхуд суд органларининг фармойишининг мазмунига қўйиладиган талабларга тузатишлар киритилди.

Энди қимматли қоғозлар чи-

қарилиши Эмиссион қимматли қоғозларни чиқариш давлат реестридан чиқарилган тақдирда, рўйхатдан ўтказган орган томонидан юридик шахснинг тугатилганлигининг ёзма тасдиғига асосан депозитарий қимматли қоғозларни 2 иш куни мобайнида ҳисобдан чиқариш учун блокировкадан чиқаради ва уни блокировка қилган депотентлар ва давлат органларига тегишли билдиришномани юборади.

Шунингдек, депозитарийлараро депо топшириқномаларини ва депозитарийлараро билдиришномаларни сақлаш муддатлари ўзгартирилди. Топшириқнома қабул қилинган депозитарийда унинг битта қоғоз нусхаси, шунингдек, электрон депозитарийлараро депо топшириқномалари ва билдиришномалар энди 15 йил мобайнида сақланади (илгари 3 йил эди).

Буйруқ «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2015 йил 4 майдаги 17 (673)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Суғурталовчилар шубҳали битимларни текшириб кўрадилар

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг қарори (Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 6 апрелда 2036-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Суғурталовчилар ва суғурта воситачилари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ҳужжатга «жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар» тушунчаси киритилди. Бу жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлар мавжуд деб белгиланган давлатлар ва худудлардир.

Низом «таваккалчилик» тушунчаси билан ҳам тўлдирилди, бунда мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида операциялар амалга ошириш таваккалчилиги тушунилади.

Киритилган қўшимчалар билан ички назоратчиға жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операциялар амалга оширилишида таваккалчилик даражасини аниқлаш, баҳолаш ва камайитириш вазифалари юклатилган.

Шунингдек, белгиланишича, қимматли қоғозлар суммаси ЭКИХнинг 300 баравари миқдоридан ортиқ бўлган бир

марталик операциялар амалга оширилган бўлса, ташкилот мижозларни лозим даражада текшириш чора-тадбирларини кўриши керак.

Қуйидагиларга нисбатан кучайтирилган текширув олиб борилади:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор худудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;


таваккалчилик даражаси юқори бўлган тоифага мансуб мижозлар. Ҳужжат билан таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш тартиби белгиланган.

Ташкилот пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шу жумладан, иш ёзишмалари, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификациялаш маълумотларини ва материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган, лекин операциялар амалга оширилганидан ёки мижоз билан муносабатлар тўхтатилганидан кейин 5 йилдан кам бўлмаган муддатлар мобайнида сақлаши шарт.

Ҳужжат билан бошқа бир қатор ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.


Қарор «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»нинг 2015 йил 13 апрелдаги 14 (670)-сонидан расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

DUNYOGA NIGOH



«Forbes»: дунёнинг энг қиммат 100 та бренди рейтинги

Рейтинг тузилаётганида компанияларнинг сўнгги уч йилдаги фойда ва даромадга эга бўлишида брендининг таъсири коэффициентини каби омиллар ҳисобга олинди.



100 та энг қиммат бренд сирасига 15 мамлакатдаги 20 та тармоқ киритилди. Брендларнинг деярли ярми АҚШга тегишли бўлди. Ушбу юзталик орасидан асосан автомобиль ва юқори технологияга ихтисослашган компаниялар ўрин олди.

Биринчи погонани «Apple» компанияси эгаллади. Унинг бренди «Forbes» рўйхатидаги бошқа исталган номлардан камида икки баробар қиммат, яъни 145,3 млрд. АҚШ доллари миқдоридан баҳоланди. Компания 2014 йилнинг сўнгги чорагида дунё бўйича 74,8 млн. та смартфонни сотиб, «Samsung» дан илгарилар кетди. Ҳисобот даврида «iPhone» сотуви 49 фоизга ортиб, компаниянинг бир чораклик тушуми 18 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди.

Иккинчи ўринга «Microsoft» компанияси бренди сазовор бўлди. Унинг қиймати 69,3 млрд. АҚШ доллари миқдоридан баҳоланди. Энг қиммат учталикнинг кейинги погонасини «Google» компанияси 65,6 млрд. АҚШ доллари билан эгаллади. Рейтингни тўртинчи ўрнида 56 млрд. АҚШ доллари билан «Coca-Cola» компанияси бренди, бешинчи поғонада «IBM» (49,8 млрд. АҚШ доллари), олтинчи – «McDonald's» (39,5 млрд. АҚШ доллари), еттинчи – «Samsung» (37,9 млрд. АҚШ доллари), саккизинчи – «Toyota» (37,8 млрд. АҚШ доллари), тўққизинчи – «General Electric» (37,5 млрд. АҚШ доллари) ўринларга тўғри келди. Энг қиммат бренд ўнталигини «Facebook» компанияси якунлади. Ушбу ижтимоий тармоқнинг даромади 36,5 млрд. АҚШ доллари миқдоридан баҳоланди. Рейтингни йигирматалиги орасидан «Disney», «AT&T», «Amazon», «Louis Vuitton», «Cisco», «BMW», «Oracle», «Nike», «Intel», «Wal-Mart» брендлари ўрин олди.

Драги: ЕМБ босма фаолиятини давом эттиради

Европа Марказий банки (ЕМБ) президенти Марио Драги тартибга солувчи ушбу ташкилотнинг босма фаолияти тўхтатилмаслигини ва сон жиҳатдан кўпайтириш бўйича сиёсатни юмшатишдан воз кечилмаслигини маълум қилди.

«Деярли етти йил кетма-кет давом этган инқироздан сўнг компания ва хўжалик жамиятлари иқтисодий таваккалга шошилмасдан қўл уришмоқда», – деди Драги Халқаро валюта фонди (ХВФ)да ўтказилган матбуот анжуманида.

Унинг айтишича, сон жиҳатдан юмшатиш дастурини ишга тушириш зарур бўлиб, еврохудодининг йирик аъзо-

си ҳисобланмиш Германиянинг қаршиликларига қарамай, амалиётга татиқ этилиши назарда тутилган.

«Шу боис, биз дастурнинг муваффақияти ҳақида сўз юритишимиз учун маълум муддат сабр қилишимизга тўғри келади», – деди ЕМБ етакчиси.

Аввал маълум қилинганидек, ЕМБ сон жиҳатдан юмшатиш дастурини бутунлай амалга оширишни белгилаб олган.

ХВЖ бош иқтисодчиси истеъфога чиқади

Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ)нинг бош иқтисодчиси Оливье Бланшар истеъфога чиқмоқда. Жамғарманинг матбуот хизмати эълон қилганидек, у ўз лавозимида 30 сентябрга қадар ишлади ва Вашингтондаги Питерсон номли жаҳон иқтисодиёти институтини меҳнат фаолиятини давом эттиради.

ХВЖнинг тақсимотчи-директори Кристин Лагард оммавий ахборот воситалари ходимларига баёнот беришича, Бланшар ўзининг ишчанлик ва инсонийлик фазилатларини юксак даражада намоён этган шахслардан биридир. Унинг лавозимига муносиб номзод излаш бошлаб юборилди.

Оливье Бланшар ХВЖ бош иқтисодчиси лавозимида 2008 йил сентябрдан ишлаб келмоқда. У Массачусетс технология институтининг докторлик даражасини қўлга киритган. Шунингдек, мазкур институт ва Гарвард университетида фаолият юритган бўлиб, Нью-Йорк ва Бостон ФЭТ маслаҳатчиси сифатида ҳам ўз билимини мустаҳкамлаб борган.

Греция кредиторлар олдидаги мажбуриятларни адо этади

Грециянинг Бош вазири Алексис Ципрас Афина ўз зиммасидаги барча – ҳам ташқи, ҳам ички мажбуриятларни адо этишини маълум қилди.

«Биз ташқи ва ички қарзларимизни тўлаймиз. Иш ҳақи ва пенсияларни тўлашдан тўхтаб қолмаймиз», – деди Бош вазир «The Economist» журналі томонидан ташкиллаштирилган форум давомида.

Ципраснинг айтишича, Греция ва кредиторлар ўртасида янги битимлар тузилади. Шу билан бирга, у иккинчи томон нафақат Грециядан мажбуриятларни адо этишни талаб қилиши, балки ўзлари ҳам зиммасидаги вазифаларни амалга ошириши лозимлигини қайд этди.

«2014 йил августдан буён биз иккинчи ёрдам дастури доирасида ажратилиши кўзда тутилган 7,2 млрд. евро миқдоридан маблағни ололмаямиз. Биз эса ушбу вақт мобайнида, яъни 14 августдан буён кредиторлар-

га 17,5 млрд. евро миқдоридан маблағни тўлаб келдик», – деди у. Ципрас Греция ҳукумати сайловчиларга берган ваъдасидан ҳам воз кечиш ниятида эмаслигини қўшиб қўйди.

Греция 2010 ва 2012 йилларда юзага келган дефолтдан мамлакат иқтисодиётини қутқариш ниятида берилган қарзнинг 240 млрд. евро қийматидагисини тартибга солиш бўйича ЕИ ва ХВФ билан музокара олиб бормоқда. Грецияда кескин тежаш сиёсатининг юритилиши кредитлар ўз вақтида қайтарилишига олиб келишига оид кредиторларнинг тахминлари пуч чиқди.

Январь ойида ҳукумат тепасига келган сўл партия СИРИЗА кредиторлар билан қайтадан музокара олиб боришни лозим топди.

Жаҳон иқтисодиётида узоқ муддат ўсиш суръати пастлигича қолиши мумкин

Жаҳон иқтисодиётида «янги ўртамеъналик» таҳдиди, яъни паст ўсиш суръатининг узоқ муддат давом этиши ҳанузгача ҳукм сурмоқда, дейди ХВЖ тақсимотчи-директори Кристин Лагард.

«Ўсиш суръатлари тобора фарқланиб бормоқда, етакчи иқтисодиётда монетар сиёсатнинг шароитлари асинхрон даражага тушиб бораёпти», – дея таъкидлаган Лагард еврохудоуд ва Японияда юмшатиш сиёсати кучайтирилаётганлиги, АҚШ ва Буюк Британия эса «нормаллаштириш йўлида давом этаётган»лигини айтиб, ўз фикрини изоҳлади.

«Доллар қимматлашаёпти, евро ва иена эса нисбатан арзонлашган, – дейди ХВЖ етакчиси. – Айни пайтда бозордаги ўзгаришлар аввалги кўрсаткичларга нисбатан солиштирганда жонланган. Шаклланаётган бозор муносабатлари билан бир қаторда таваккалчилик даражаси ортмоқда, валюта курси пасаймоқда».

«Молиявий барқарорлик таваккалчилиги тараққий этган иқтисодиёт ўрнини шаклланаётган бозор, банклар ўрнини нобанк молиявий тармоқлар, тўловчанлик қобилияти ўрнини бозор ликвидлиги эгаллашига олиб келмоқда, – дея хитоб қилди Лагард. – Сиёсат рўй бераётган ана шундай ўзгаришларга мос равишда юритилиши лозим».

Унинг баҳолашича, «геосиёсий нотекисликлар» шароитида «нари борганда «аралаш» ҳолатида кўриниш» истиқболнинг мавжудлиги, ўсиш суръати эса «глобал молиявий инқироздан кейин бир неча бор ҳафсала пир бўлишига олиб келди».



Валюта бозоридаги муаммолар туфайли 5 та банк жаримага тортилади

«The Financial Times» нашрида ёзилишича, дунёнинг бешта йирик банкларидан хорижий валюта бозорида манипуляцияга йўл қўйилгани сабабли 6 млрд. АҚШ долларилик келишувга имзо тўплаш ишлари якунига етмоқда.

Манбалардан маълум бўлишича, Швейцариянинг «UBS»и 800 млн. АҚШ доллари, Буюк Британиянинг «Barclays»и – тахминан 2 млрд. фунт стерлинг (3,1 млрд. АҚШ доллари яқин), «JP Morgan Chase», «Royal Bank of Scotland» ва «Citi group»лар эса – 1 млрд. АҚШ доллари миқдоридан маблағ тўлайди.

UBSнинг тўлови бошқа банкларга нисбатан кўп маблағни ташкил қилмайди, бинобарин бу банк АҚШ ҳукумати валюта бозоридаги муаммолар юзасидан огоҳлантирган эди, дейилади мақолада.

«Barclays» энг катта миқдордаги жарима тўлаши керак бўлади, сабаби банк Буюк Британия, АҚШ ва Швейцариянинг тегишли ташкилотлари билан ноябрда тузилган битимга имзо чекмаган эди. Бошқа кредит ташкилотлари бу сафар фақатгина АҚШ ҳукумати билан келишиш ниятида.

Ушбу бешта банк ҳам изоҳ беришдан бош тортди.

